



дорлигини оширишга, бир берилди. Хўжалик қурилиши

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 6 (278)

ИЛГОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

ГРУППАЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ДЕПУТАТ НАЗОРАТЧИ

Пелагея Карповна Бўна пахта тозалаш заводига ишга келганига ҳадемай 22 йил бўлади. Шу йилнинг мейсонида у ўзининг меҳнатсеварлиги, инициативлиги, принципиаллиги билан коллектив - хураятини қозонди. Ишчилар Пелагея Карповнага катта ишонч билдириб, шаҳар Совети депутатлигига сайлашди. 9 йилгача, у корхона халқ контроли группасининг аъзоси сифатида ҳам катта жамоат ишларини бажариб келаяпти.

Пелагея Карповна бухгалтерияда ҳисобчи бўлиб ишлайди. Ҳисоб-китобга пухталиги учун ҳам рейдларга

дамчи ҳўжалигида ҳам ўтказилди. Текширувлар исзис қолмади.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг назоратчиларимиз фаолияти яна ҳам активлашди, дейди Пелагея Карповна. — Ўзидиликда биз тоза сифати устида алоҳида қайғурганимиз бўлиб қолдик. Рейдлар давомида маълум бўлган камчиликларни тўғатишда ўзимиз ҳам фаол иштирок этаймиз.

Ремонтчилар бригадаси слесари Нусратдин Сайфатов ҳам актив назоратчилардан. У кўпроқ итисодиёт тежамкорлиги бўйича ўтказилган рейдларда қатнашапти. Назоратчининг ҳиссаси билан қисқа вақт ичунда кўп-лаб хом ашё итисод қилинди. Назорат кўламини кенгайтириш мақсадида ҳар бир сменада постлар ташкил қилинган. Пост аъзолари ўз вазифаларини яхши биладилар.

О. ҲАМРОЕВ.

ТЕХНИКАНИ АСРАЙЛИК, АВАЙЛАЙЛИК

ЭЪТИБОР ШУМИ?

Пискент районидagi кўпгина ҳўжаликлар техникани сифатли ремонтдан чиқариш, намунали сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш устида алоҳида қайғурмоқдалар. Тельман номли колхоз, «Пискент» совхоз автотрактор паркиларида техника воситалари тартиб билан тегиб қўйилган. Улар мавсумий ишлардан бўшаш билан дарҳол ремонт қилиниб бостирмалар остига қилинган.

Баҳорги экин кампанияси арафасида район ҳўжаликларидagi мавсуд 218 та трактор селжалари тўла ремонтдан чиқарилди. Қулайликлар, ҳайдов тракторлари ҳам янги мавсумга тайёр қилиб қўйилди. Ленин ўтказилган рейд давомида бошқа хил техника воситалари ремонтга эътиборсизлик билан қаралгани маълум бўлди. Ленин номли, Оқунбобоев номли колхозларда бўлганимизда техникага эътиборсизлик сезилиб қолди.

Районимиз халқ назоратчиларининг фаолият доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ҳўжаликлар, сановат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларда 135 та халқ си, 145 та цех халқ контроли бош группаларида 45 та пост ҳаракат қилмоқда. Уларга 2400 дан ортиқ назоратчи бйрилган. Жамоатчилар социалистик мулкни асраб-авайлаш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, тежамкорлик режимида кучайтириш бўйича ўтказилган рейдларда актив иштирок этмоқдалар.

Назоратнинг таъсирчанлигини ошириш ва унинг оммавийлигини таъминлаш учун энг аввало активлар маҳоратини ўстириш, жамоатчиларни ўқитиш ва текширув ишларига ўргатиш талаб этилади. Район халқ контроли комитети шу талаблар асосида назоратчилар ўқувини мунтазам ўтказиб бормоқда. машғуллотлар сифатини ошириш чораларини кўрмоқда. Халқ контроли группалари постлари раислари учун алоҳида семинарлар ташкил қилинган. Машғуллотларда партиянинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кенешини Пленумлари қарорлари, СССРда халқ контроли тўғрисидаги Қонун юзасидан лекция, суҳбат ва консультациялар уюштирилмоқда. Машғуллотлар ҳар ойда ўтказиб турилибди.

Лекторлар ва докладчилар ҳар бир машғуллотга пухта ҳозирлик қилган ҳолда келадилар. Кейинги машғуллотларини район партия комитетининг секретарлари, район халқ контроли комитети раиси Н. Ғуломов, район партия комитети ташкилий бўлими мудири В. Қодиров ва

бошқа партия, совет ходимлари ўтказдилар. Семинарларда юристлар, журналистлар ҳам сўзга чиқмоқдалар. Улар назоратчилар активлигини ошириш ва ошқоралигини таъминлаш юзасидан маслаҳатлар бермоқдалар. Шундан сўнг группа ва пост раислари ўзаро тақрибамалашди. Бундай суҳбатларда рейд ва текширув формаларини такомиллаштириш юзасидан тўланган тажрибалар умумлаштирилди.

Районимизда тақрибали халқ контроли группалари раислари оз эмас. Ғазажент консерва заводи халқ контроли группаси раиси Г. Мор-

белгиланган тадбирларини бажаришда иштирок этмоқдалар.

Назоратчиларга амалий ёрдамни янада кучайтириш мақсадида район халқ контроли комитетида методик кабинет ташкил этганимиз. Кабинетда партиянинг сбеодлари, Марказий Комитет Пленумлари ҳужжатлари, справочниклар, методик адабиётлар қўйилган.

Етарли даражада билим ва маҳоратга эга бўлган жамоатчилар текширув ва рейд самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқдалар. В. В. Ярополков 2-кўча механизациялашган колонна халқ

шириш миқдори камаймади. Шу йилнинг дастлабки кварталда давлатга 2240 центнер сут етказиб берилди. Маҳсулот топириш юзасидан белгиланган ярим йиллик топириш ҳам ҳозир бажарилиш арафасида турибди.

Шу кунларда группа аъзолари бевосита озучачилик бригадаларида бўлиб жамғарилаётган озуқа сифатини кўздан кечирмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда навабатдаги қишлоғида шу кундан бошлаб замин ҳозирламоқдалар. Улар тўпланган тажрибани барча ҳўжаликларда кенг ёйса арайдик.

Назорат ишига актив қўмаклашаётган жамоатчилар моддий ва маънавий янҳаддан рағбатлантириб боришмоқда. Яқинда район халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори А. А. Рижикова республика халқ контроли комитетининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Назоратчилардан Н. Юсупов, О. Пирматов, С. Умрзоков област халқ контроли комитетининг Фахрий ёрлигига сазовор бўлдилар. Бу эътибор назоратчилар активлигини янада оширмоқда. Ҳозирги кунда улар ички-сўнг айбдорлар қаттиқ жазоландилар. Бошқа корхона ва ҳўжаликларда ҳам бундай билимдон назоратчилар оз эмас.

Шу ўринда Фрунзе номли колхоз сут-товар фермаси халқ назоратчилари олиб бораётган ишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўттиш мумкин. Ферма назоратчилари қишлоқни соз ўтказиш юзасидан бошланган курашда актив иштирок этидилар. Со- вуқ кунларда ҳам сут, топ-

БУ САҲИФАДА:

- Ишончини оқлаб • Жамоатчилар мактаби
- Қўлдан-қўлга ўтавериб • Изза бўлишди

ИНТИЗОМСИЗЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

УНДИРИБ ОЛИНДИ

Корхонамизда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига иш унумдорлигини ошираётган лех коллективлари оз эмас. Лекин ҳамон баъзи участкаларда тартиббузарлик ҳоллари содир бўлаётганлиги бизни ажаблантирмоқда. Яқинда вагонларга юк ортиш ва юк туширишнинг аҳволини кўздан кечирдик. Шу текширув пайтида гайер маҳсулотларини олиб кетган келган вагонлар пўлат изларда беҳуда туриб қолганлиги ва бунинг эвазига корхона 665 сўм жарима тўлаганлиги маълум бўлди.

Биз дарҳол айбдорларни аниқлашга киришдик. Маълум бўлишича тайёр маҳсулотлар цехи мастери Алимхўжаев ва строполич Раимкуловнинг беғамлиги билан юк ортивчилар иши яхши ташкил этилмаган экан. Шундан сўнг корхона халқ контроли бош группаси бюросининг қарори билан келтирилган зарарини бир қисми мана шу айбдор кишилардан ундириб олинди.

Рейдлар давомида яна бир камчилик маълум бўлди. Пайвандаш цехида яқинда реконструкция ишлари амалга оширилган эди. Иш жараёнида кўпгина трубалар ортиб қолди. Ердамчи ҳў-

жалик раҳбарлари бу трубаларни олиб тегилча қурилишга ишлатишди. Лекин трубаларини бериш ва олиш тўғрисида ҳеч ким билан келишилмаган эди. Бунинг учун пайвандаш цехи ва ердамчи ҳўжалик раҳбарлари қаттиқ оқшолантирилди. Ишлатилган материаллар ҳисоб-китоб қилиниб айбдор кишилардан ундириб олинди.

Шунга ўхшаш ҳоллар корхонамизда баъзан учраб туради. Халқ контроли группаси аъзолари бундай камчиликларнинг олдини олиш, нуқсонлар содир бўлган тарзда уларни тўғатиш чораларини кўрмоқдалар. Шунинг айтиш керакки, ҳар бир камчилик энг аввал меҳнат интизомининг бўлишти оқибатида келиб чиқапти. Шу боисдан ҳам биз барча участкаларда меҳнат ва молия интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашга раҳбарлар эътиборини қаратаймиз. Давлатимизга лаббай деб жавоб берган участка коллективлари ишлаб чиқаришда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Ш. РАҲМОНОВ,
Тўйгепа металл конструкториялари заводи халқ контроли группасининг аъзоси.

◆ КОМУНИСТИК районидagi Свердлов номли колхоз халқ контроли группаси аъзолари шу кунларда чорвачиликнинг мўл озуқа базасини яратиш устида алоҳида қайғурмоқдалар. Улар бевосита озучачилик бригадалари далаларида бўлиб жамға-

риллаётган озуқа сифатини назорат остига олмоқдалар. Суратда: группа аъзоларидан илгор сут соғувчи Тамара Апазозова, ферма мудири Борис Ким ва бригада бошлиги Қўчқорбой Ақдбеков навабдаги рейд пайтида.

А. Зуфаров фотоси.

Ҳар бир ҳўжалик янги техника учун йил сайини кўплаб маблағ ажратмоқда. Лекин сотиб олинган агрегатлардан унумли фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш ва умрини узайтириш эса негизий раҳбарларнинг эси- га келмапти.

У. МУҲАМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз муҳбири.

Область халқ контроли комитетида Мукофот фонди хом талаш

«Ташоботтранс» с.т.д.и.н.ция» бирлашмаси бош инжениери М. Зокиров транспорт агентликларида иш- ни намунали ташкил этиш ўрнига ўзи қонун-қондан бузаётганлиги кўпчилиги ажаблантирмоқда. Бирлаш- мада 49 та ортиқча штат бор. Унда ишлаган ишчи- ларга ўтган 4 ой давомида қонунга ҳилоф равишда 3681 сўм маош тўланди.

Кейинги пайтда яна бир қонунсиз ҳаракат бошлан- ди. «Узтрансэкспедиция» раҳбарлиги билан келишил- маган ҳолда ходимларга ер- дам пули тарқатишга кири- шилди. Бу маблағ моддий рағбатлантириш фондидан олинмоқда. Одатда, бу маб- лағ мусобақа ғолибларига берилар эди.

Ўтган йилнинг ноябрида бирлашма бошчилигининг ўринбосари Е. В. Захарова ёзган кичкинагина аризага мувофиқ унга моддий рағ- батлантириш фондидан 200 сўм бериб юборилди. Меҳ- нат ва иш ҳақи бўлими бошлиги В. И. Ғаглолова, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи Л. В. Карташова ҳам лафз пайлаб туриб қар- ийиб бир ойлик маошлари ҳақида ердам пули унди- риб олдилар.

Моддий рағбатлантириш фондидан хом талаш қилу- валар сови қўлайиб борди. Орадан бироз ўтмай, бош инжениер М. Зокиров, бир- лашма бошчилигининг ўрин- босари И. Мусаев ҳам ер- дам пулига «муҳтож» бў- либ қолдилар. Шу тариқа бир йилда салкам 2000 сўмлик маблағ инжениер- техник ходимларга тарқ- атилиб моддий рағбатлан- тирилди.

риш фондидан таги қури- ниб қолди.

Бирлашма агентликлари текширилганда яна бир қатор камчиликлар аниқлан- ди. Айниқса Ангрен транс- порт-экспедиция агентли- гига автомобиллардан фой- даланш коэффициенти тас- тост эди. Мавсуд 32 та ав- тотранспортдан этиги 14 та- си юриб турибди. Агентлик раҳбарларининг нуқсонлиги билан ремонт ишлари ойлаб тутамайди. Шу боисдан ҳам планлар ўлда-жўлда қолиб келаяпти.

Шундай ҳол Комуни- стик район транспорт-экпе- диция агентлигида ҳам ма- вуқдир. Бу ерда янги даро- мад олиш, аҳолига хизмат кўрсатиш планлари бирор ой ҳам бажарилмаган. Ўрта Чирчиқ транспорт-экспе- диция агентлигига қарашли машиналар эса қаерда юр- ганлигини ҳеч ким билмай- ди.

Область халқ контроли комитети мажлисида бир- лашмага қарашли агентли- клардаги мавсуд камчилик- лар қаттиқ муҳокама қилин- ди. Автотранспортдан сама- рали фойдаланишнинг, транс- порт-экспедиция хизмати плавларининг бажарилиши таъминламаганлиги, молия- вий интизомни бузганлиги учун бирлашма бош инжени- ери М. Зокировга ҳайфсан эълон қилиниб, бир ойлик маоши ҳақида пул начёти қилинди. Штат молия инти- зомини бузганлиги, моддий рағбатлантириш фондидан талон-тарож бўлишига йўл қўйганлиги учун бирлашма бош бухгалтер вазифасини бажарувчи Л. В. Карташо- вага пул начёти ёзилди.

Самарасиз тадқиқотлар

Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқи- қот институти олимлари қай- си йўналишлар бўйича тад- қиқотлар ўтказишгаётганлиги ва улар қандай самара бе- раётгани кўпчиликлка қорон- ги. Институт раҳбарлари ил- мий тадқиқотларнинг тема- тик планларини ишлаб чи- қиш ва уларни ишлаб чиқа- ришга жорий этиш юзаси- дан зарур тадбирларни кўр- маяптилар. Институтда юз- дан ортиқ ходим ишлаган бўлсада, лекин уларнинг иш самараси ниҳоятда сустдир.

Ўтган 4 йил давомида иш- тро учун улардан 22 та тақ- лиф тушиди ҳолос. Бу тақ- лифларнинг 11 таси икжобий баҳоланди. Қолганлари эътиборга ҳам олинмади.


Институтда кўжалик шарт- номаси асосида олиб бори- лаётган илмий тадқиқотлар- га ҳам эътиборлик билан қарамоқда. Тадқиқотлар зараркунамдаларини тўта- тишда қандай ердам бера- етганлиги маълум эмас. Ай- ни пайтда илмий кадрлар малакасини ошириш устида

контроли группаси раҳбари сифатида кўпгина камчилик- ларнинг олдини олиб қолаёт- ганлигини таъкидлаш ке- рак. Бевосита унинг иштиро- кинда ўтказилган рейдлар да- вомида молиявий интизомни бузганлар фойс этилди. Қў- буюмачилик ва қўшиб ёзиш- га иштиёқи бўлган раҳбар- лар аниқланди. Текширувдан

билан ургатишда янча-янча ва группа ҳолатида бериб бо- рилаётган консултациялар ҳам қўл келаяпти. Район халқ контроли комитети аъзолари ва штатсиз бўлим мудири бу тадбирда ак- тив қатнашмоқдалар. Улар бевосита жойларда бўлишиб группа ишларини ташкил этиш, рейд ва текширувлар сама- радорлигини ошириш бўйича назоратчиларга тегишли мас- лаҳатлар бермоқдалар. Ҳар бир текширувнинг ошқора- лигини таъминлаш юзасидан

Шу ўринда Фрунзе номли колхоз сут-товар фермаси халқ назоратчилари олиб бо- раётган ишларини ҳам ало- ҳида таъкидлаб ўттиш мум- кин. Ферма назоратчилари қишлоқни соз ўтказиш юза- сидан бошланган курашда актив иштирок этидилар. Со- вуқ кунларда ҳам сут, топ-

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Бўстонлиқ район халқ контроли комитетининг штатсиз бўлим мудири.



ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИ ҚУРИЛИШИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

Бузоқбоқарлар арталаб ишга келиб ҳайратдан ёқа араш қолмоқда. Нечатгина усти ёпилган янги корпус- уни томи ўрадек ўпирилиб ётади.

Юлдуз кўрмай жон бе- риди-ю, — инюна қилди қилдилар. — Шунинг айтиди- лар-да, сифатсиз иш — кел- тираб ташиниб, деб.

Янги бузоқхона пойдево- рига биринчи йил 1981 йилда қўйилган эди. Ўшанда «Ташоботсельстрой» трестига қарашли 37-кўча механизациялашган колонна раҳ- барлари биринчи бўлиб ў- тага отилиб чиқиди.

— 700 бошга мўлжал- ланган корпусларини кў- очиб юмғунча қуриб ташла- миш, — дейишди улар оғиз қилибтириб. — Фақат совхоз молиядан қочмаса бўлган. Бу йил бемалол 350 минг сўмлик иш бажара оламиз.

Совхоз бош бухгалтери айтилган муддатдан олдин- роқ қурилиш ташкилоти ҳи- собага пул ўтказди. Мон- таж қилинганда ускуналар- ни ташиб келтиришга кири- шилди. Лекин қурувчилар- дан дарак йўқ эди. Ниҳоят орадан маълум вақт ўтган- да пойдевор қовлаиб, бетон ётқизишга киришилди. Сўнг яна иш тўхтади. Шу тариқа йил ҳам ўтиб кетди. Кейин ҳисоб-китоб қилиб кўришса қурилиш объектида бор-йў- ги 6 минг сўмлик иш бажарилибди, ҳолос.

Келаси йили 7-кўча ме- ханизациялашган колонна бошлиги Муҳиддин Муродов қурилиш майдонига келиб қолди.

— Бай-бай-бай, бир йилда атиги шу ишни қилишди- ми, — деди у ўтган вақтга ачингандай бўлиб. — Майли, қўшни колонна коллективни бажара олмаган ишларни ўзимиз бошлаймиз. Пулни бизнинг ҳисобага ўтказинг- лар. Эрталадан бутун кунини шу объектига ташлаймиз. Ўйюйча бўйича бузоқхона комплекси икки йилга қол- май битилиб керак, ахир.

Чорвадорлар мамнун бў- лишди. Улар қўзига коло-

БЕШ ЙИЛДАН БЕРИ БИТМАЙДИ

яна қуришмади. Пландаги 500 минг сўмлик ўрнига аранг 157 минг сўмлик иш бажарилди. М. Муродов эса чорвадорлар қўйини пуч ёнқоққа тўдиршида давом этди. Бу йил бажарилмаган ишларни келаси йил албат- та тўғрилаймиз, деб ваъда бераверди. Лекин йил сайин иш суръати пасайса пасай- дини, ўсмади. Шундан кей- ин ишга назоратчилар ара- лашилди.

Область халқ контроли комитетида Калинин райони- даги «Ўзбекистон ССР 500 йилгичи» совхозига 700 бошга мўлжаллаб қурилаёт- ган бузоқчилик комплексига аҳвол қаттиқ муҳока- ма қилинди. Муҳокама да- вомида 7-кўча механизациялашган колонна коллек- тиви қурилиш ишлари пла- нини ойма-ой барбод этаёт- ганлиги, салкам 10 минг сўмлик бажарилмаган иш ҳи- соботларга қўшиб ёзилган- лиги, темир-бетон буюмлари монтажиде лойиҳадан чекни- ни ҳоллари руй берганли- ги очиб ташланди. Суст ва

сифатсиз ишлаганлиги учун колонна бошлиги Муҳиддин Муродов қаттиқ жазоланди. Қурилиш сифати устидан назоратни кучайтириш сов- хоз инжениерларига топши- рилди.

Ўшандан кейин ҳам М. Муродов ишни ёлчитмади. Колонна ўтган йили 340 минг сўмлик ўрнига 131 минг сўмлик иш бажарди. Сифат устида эса ҳеч ким қайғурмади. Келтирилган колонналар, «П-1» марка- ли бетон тўсинларнинг узун- калталигига қарамай жок- таж қиливеришди. Бир жой- да тўсинлар умма-уч пай- ванд қилинган бўлса бошқа жойларда монтажчилар пай- вандлашни муқола унутиб қўйишди. Томини тетроқ- ениб, бу объектдан жуф- танни ростлаб қолмоқчи бў- лишди.

Сифатсиз иш мана бутун ҳаммада бир дунё ташвиш келтириб турипти. Армаду- ралари умма-уч пайвандлан- ган тўсинлар колонналардан ўзилиб тушди, омонат ёпи- лан шиферлар ер парчин

бўлди. Яхшиям бузоқларни бу ерга олиб кираганимиз, — дейишарди чорвадорлар. — Йўқса молларимиз нобуд бўлиб, шўринишга шўрва тўкилар экан-да.


Совхоз раҳбарлари қурув- чиларнинг салкам беш йил- лик иш «натрижа»сини «Таш- оботсельстрой» трести бошқа- рувчиси Ф. Сирожидинов- га, республика қишлоқ қу- рилиш министрининг ўрин- босари А. И. Киреевга маъ- лум қилдилар. Ҳатта мон- тажлаш учун сотиб олинган салкам 100 минг сўмлик ус- куналар ҳам очиб майдонда фойдаланишга яроқсиз бў- либ қолаётганлиги эслати- лди. Бу ускуналар томи бо- сиб қолган мана шу бузоқ- хонага алоқадор ердамчи биноларга бундан бир неча йил олдин ўриятилиши ке- рак эди. Лекин қурувчилар айби билан монтаж ишлари кечикиб кетди.

Бу кетинда бузоқчилик комплекси келаси беш йил- ларда ҳам ишга туширил- майди. Бузоқчилик ком-

плексидаги аҳвол Калинин район партия комитети, рай- он икжория комитети, район халқ контроли комитети- га ҳам маълум. Қурилишга алоқадор раҳбарларнинг кўпчилиги район партия ташкилоти ҳисобиде туради. Лекин юқори партия, совет ташкилотлари раҳбар кад- рларга нисбатан талабчан бўлмаганлиги.

Ишга Ўзбекистон Ком- партияси Марказий Комите- тининг XVI ва XIX пленум- лари талаблари нуқтан на- заридан ёндашиш керак. Сў- за ва иш бирлигига ақил қил- маётган, план ва ишлаб чи- қариш интизомини бузаёт- ган бебурд кадрлардан қан- қалик тетроқ холи бўлсан, ишлар шўнчалик тетроқ қуришади. Бундан давлат ҳам, коллектив ҳам катта манфаат қуради.

Ж. НОСИРОВ,
Х. МИРЗАКАРИМОВ.
Суратларда: салкам беш йилдан бери битмаётган бу- зоқчилик комплексининг бу- гуниги аҳволи.



ЎҚУВЧИЛАР УЧУН БАЛЕТЛАР

Бир акти балет асарларини сахналаштириш Алишер Навоий номи Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри коллективи учун яхши ижодий анъанага айланиб қолди. Санъат усталари томонидан тайёрланиб, томошабинларга тақдим этилган «Ромео ва Жульетта», «Гамлет» ва «Павана Мавра» бир акти балетлар триптих машхур драматург Вильям Шекспир асарлари асосида сахна юзига кўрган эди.

Театр амёллари бу соҳадаги наланишларини қизғин

давом эттириб, яқинда яна бир ижодий гулдастани ҳозирлади. Бу янги томоша программаси бир йўла турта бир акти балетни ўз ичига олди. Улар рус ёзувчиси И. С. Тургенев асари асосида ёзилган «Элегия» ва машхур сўз санъаткори А. Блок лирик драмаси асос қилиб олинган «Нотаниш қиз» балетлари шулар жумласидандир.

Мазкур туркум спектакллари орасида «Заҳарли ҳаёт» бир акти спектакли ҳам бор. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Нисеий-

нинг, шу номи машхур асари бу балетга асос бўлди.

Бир акти бу балетлар ёш томошабинлар учун махсус сахналаштирилди. Улар Тошкентдаги В. И. Ленин номи СССР Халқлари дўстлиги саройида яқинда намоиш қилинди. Томошалар мактаб ўқувчиларига янги манзур бўлди.

Мазкур спектакллар умумий таълим мактаблари адабиёт курси программасига киритилган бадиий текстлар асосида сахналаштирилганлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир. Театр коллективи бундан кейин ҳам мактаб ўқувчилари билан тез-тез шундай ижодий учрашувлар ўтказиб туришни планлаштирди.

А. АЛИЕВ.

ЭЗГУЛИКНИ МАДҲ ЭТИБ

Композитор Александр Берлин бир қанча йиллик музика асарларининг муаллифидир.

Авторнинг «Баҳорим қадаргачи» опереттаси айниқса муваффақият қозонди. Ҳушқўш музика оҳангларига бой бўлган мазкур спектакль Тошкент Давлат оперетта театри репертуаридан муносиб ўрин эгаллади.

Композитор балет жанри бўйича ҳам ижодий изланишлар олиб бормоқда. Яқинда унинг «Гузал Василиса» балети юзага келди.

С. ОДИЛОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ ДАВЛАТ МУЗИКА
БИЛИМ ЮРТИ
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА
ҚУИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФОРТЕПЬАНО — музика мактабларининг ўқитувчилари;

ТОРЛИ АСБОБЛАР — музика мактабларининг ўқитувчилари, оркестр (скрипка, альт, виолончель, контрабас) артистлари;

ДУХОВОН ВА ЗАРЕЛИ АСБОБЛАР — оркестр артистлари, ҳаваскорлик оркестрининг раҳбарлари, музика асбоблари (флейта, гобой, труба, валторна, тромбон, зарбли асбоблар), класс бўйича музика мактабларининг ўқитувчилари;

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ — ҳаваскорлик оркестрларининг раҳбарлари, музика асбоблари (баян, рубоб, дутор, най, чанг, қўшнай, ғижжак) класс бўйича музика мактаблари ўқитувчилари;

АПУЛА — ансамбль артистлари;
ХОР ДИРИЖЕРЛИГИ — хор дирижёрлари, сольфеджио бўйича музика мактабларининг ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг музика ва ашула ўқитувчилари.

БИЛИМ ЮРТИГА 14—30 ЕШЛИ БЎЛҒАН, 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Музика билим юртига кирувчилар ҳамма ихтисослар бўйича (ашуладан ташқари) етти йиллик музика мактаби ҳажмида тайёргарликка эга бўлишлари лозим.
АРИЗАЛАР — 5 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР — 25 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ.
Кирини кўчмаси — 6 июндан 20 июлгача.
Адрес: Тошкент область, Бенебод шаҳри, Школьный кўчаси, 14-уй, қабул комиссияси.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат
комитетининг

Ю. А. ГАГАРИН НОМИЛИ 29-ЯНГИВОД УРТА
ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10-синф маълумотидаги ўқувчилар ва Совет Армияси сафарида хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар учун: тозаланадиган завои кон ишчилари. Ўқини муддати — 7,5 ой; механик айланадиган қудуқ қазичи машинасининг бурғилоччиси (шоёрлик ҳуқуқи билан). Ўқини муддати — 1,5 йил; қурувчи электр монтажчи, шахта электр слесари, сувоқчи-шошкор-плитачи, шоёр ҳуқуқидоги автомобиль крани машинисти, озиқ-овқат моллари сотувчиси. Ўқини муддати — 1 йил.

8-синф маълумотидагилар учун: сувоқчи шошкор-плитачи, газ-электр пайвандчи, автослесарь (шоёрлик ҳуқуқи билан), сувоқчи қурилмалари ремонт бўйича слесарь, озиқ-овқат моллари сотувчиси, саноат моллари сотувчиси, ошпаз. Ўқини муддати — 3 йил.

Ўқини муддати — 3 йил бўлган гуруппаларга 14,5-15 ёшдаги қиз ва ўсмирлар қабул қилинади.

Ўқини муддати бир йил бўлган гуруппаларга ўқишга кирган ўқувчиларга улар билим юртини битиргач, тегишли мутахассислини эгаллаб чиққани ҳақида аттестат берилди. Мазкур гуруппаларнинг талабаларига ўқини даврида улар танлаган касбга қараб 30 сўмдан 107 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқини муддати 3 йил бўлган гуруппаларга ўқишга кирган ўқувчиларга улар билим юртини битиргач, тегишли мутахассислини эгаллаб чиққани ва ўрта маълумот олгани ҳақида диплом берилди.

БИЛИМ ЮРТИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқини даври меҳнат стажига кирмади.

Ўқувчилар беш оғат, формали кийим-бош ва шинам ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти устама мукофот пули тариқасида тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртиларига ўқишга киришда алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: ариза, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, ҳарбий билет ёки ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан, яшаш жойидан справкалар, медицина қўригидан ўтганлик ҳақидаги ҳужжат, 6 донa фотосурат (3х4 см.).

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Янгибод шаҳри, 2-алоқа бўлими, 14 квартал.

УРТА ОСИЕ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ
ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ

МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1985—86 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти болалар даволаш муассасаларида ишлаш учун медицина ҳамшираларини тайёрлади.

10-синф ҳажмида маълумоти, Тошкент шаҳри ва Тошкент областида истиқомат қилувчи ёшлардан аризалар 31 июлгача қабул қилинади.

Ўқини муддати — 1 йил 10 ой.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), медицина справкиси (086/У форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ўқишга юборилган корхоналар, қўриқчилар, колхозлар, совхозлар, муассасалар ва ташкилотлар ягона формала тўлдирилган йўланмас тақдим қилинади, 4 донa фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Билим юрти адреси: 700104, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй (САМПИ янги территориясида).

Ўзбекистон Компартияси Янгийўл шаҳар комитети, халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар партия комитетининг аъзоси, шаҳар Советининг депутаты, Янгийўл меҳнат фахрийларининг кўмак қилувчиси

Собир Иброҳимович АЛИЕВнинг

вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Янгийўл шаҳар комитети, халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар партия комитетининг аъзоси, шаҳар Советининг депутаты, Янгийўл меҳнат фахрийларининг кўмак қилувчиси

Зайнаб ҚУРБОНОВНИНГ

вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚАРО АХВОЛ

ВАШИНГТОННИНГ КУЧАНИШЛАРИ БЕХУДА

ГАВАНА, 19 июнь. (ТАСС). Кейинги тўрт йил мобайлида АКШнинг Сальвадорда кўнгирчоқ режимларга берган ҳарбий ва иқтисодий ёрдами ҳамми салкам 2 миллиард долларга етди, деб ёзади Кубада чиқадиغان «Воения» журнали. Америка қуроли, шу жумладан кўп миқдордаги ҳарбий самолётлари Сальвадорга узлуksиз юборилиб туриб-

ди. У ерда доимий равишда ишлаётган қозон орқиб америкалик ҳарбий маслаҳатчи Сальвадор армиясининг аскарларига партизанларга қарши операциялар ўтказиш қўлларини ўргатмоқда. Мамлакатдаги граждaн уруши йилларида Сальвадор армиясининг сафари турт баравар кўпайтирилди.

Бирок, Вашингтоннинг ва бир-бири ўрнини олаётган

америкапараст режимларнинг Сальвадордаги партизан кураши маконларини тутатиш йўлидаги ҳамма кучанишлари беҳуда кетмоқда. Турт йиллик шиддатли жанглар давомида ватанпарварлар душманининг 20 мингдан кўпроқ солдат ва офицерини сафдан чиқарилар, 2400 кишини асир қилиб олинди, минглаб турли қурол-яроғларини қўлга тушириди. Ҳозирги кунда, деб ўқтиради журнал, Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронтининг отрядлари ўзла-рининг актив ҳаракат зонасини мамлакат территориясининг туртдан уч қисмига ёйди.

Совет Иттифоқи революцион Никарагуага янги ҳаёт куришда катта ёрдам бериши. Рейган маъмурияти республикага иқтисодий таъин қўрсатаётган ҳозирги пайтда бу ёрдам айниқса катта аҳамият касб этмоқда. Суратда: «Новокуйбшевск» кемасида Никарагуага Совет Иттифоқидан олиб келинган халқ ҳўжалик юклари тушириляпти.

Г. Надеждин фотоси.
(ТАСС).

АФҒОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

КОВУЛ, 19 июнь. (ТАСС). АХДП Марказий Комитетининг бош секретари, АДР Революцион кенгашининг раиси Б. Кармал мусулмонларнинг ҳайити «Ид-ал-фитр» муносабати билан миллий радио ва телевидение орқали афғон халқига мурожаат қилди. У яқинда бўлиб ўтган Лоия Жирга (АДРнинг олий кенгаши) катта аҳамиятга эга эканлигини ўқитиб ўтди. Лоия Жирга якунлари, деди у, инқилобий Афғонистоннинг барча халқи АХДП билан революцион ҳўкуматнинг қуролли контрреволюционий бағаом тугатишга ҳамда мамлакатда тинчлик

ва осийишталарни таъминлашга қаратилган сиёсатини маъқуллаб, тўла-тўқис қўллаб-қувватлаётганлигини намоиш қилди. Партия билан ҳўкумат бундан буён ҳам мамлакатнинг мустақиллиги, миллий суверенитети ва территориал бутунлигини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини ўтказаверади.


Афғонистон раҳбари АДРнинг регионда ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка, Покистон ва Эрон билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга бўлган муддаоси тўғрисида гапирди.

ЎТА ЁНГЛАР СУД ҚИЛИНМОҚДА

БОНН, 19 июнь. (ТАСС). Штаде шаҳрининг судида янги фашист жиноятчилар — Гарбий Германия янги нацистларининг «фюрери», Бундесвернинг собиқ лейтенанти М. Кюнен бошчилигидаги тақчилланган ашаддӣ фашистларнинг гушталари иши қўрибда бошладди. Икки налласекср — Андреас Заксе билан Андреас Гриммельхойзер қора қурсида ўтиришди. Улар одам ўлдиришга уринишда, бир қанча эшикларни бузиб очиб ва талончилик қилишда, қонунга хилоф равишда қурол ва ўқ-дорни сақлашда айбланмоқда. Рудда ўтирган Закседан ҳўжжат кўрсатишни сўрашганида у ўйлаб-ўйлаб турмай, миллий олдиди ўн узди, полициячи оғир жароҳат

ланди. Иккинчи жиноятчи яширинишга улгурди. Яна бир неча кундан кейин у қайтадан жиноят қилди — шимолӣ Рейн — Вестфалиянинг Эммерих шаҳрида ашиқ бузиб ўғирлик қилди... Фашистларнинг квартиралари тинтув қилинганда хилма-хил ўқ отадиган ва тигли қуроллар, ўқ-дори, бир неча кўчма радиостанция, янги нацизм руҳидаги адабиёт, қўлдан-қўл ўғирланган буюмлар топилди. Жиноятчилар ўз гуруҳини пул билан таъминлаш учун пул топши мақсадда шу буюмларни сотмоқчи бўлганлар.

Штаде шаҳридаги суд



ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД, 19 июнь. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг маълум қилишича, ўтган кунларда Ироқ вертолётлари «Дажла дарёсидан шарқдаги» участкада душмanning жанговар позициялари, инженерлик иншоотлари ва аскарларига бир қанча зарарлар берган.

Фронтиг шимолӣ ва марказий участкаларида, Майсан сектори ва Басра-

дан шарқдаги районда Ироқ артиллерияси эронликларнинг ўқ-дори омборлари, артиллерия тўплари, минометлари ва қулатиш постларини яксон қилган.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳўзурдаги ишчи муҳбирлар университетининг якунловчи машғулот 21 июнь кун кеч соат 18-00 да бўлади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ЗАМОНАВИЙ «РОССИЯ-323» ЭЛЕКТРОФОНИ

Монофоник грампластинкалар учун мўлжалланган «РОССИЯ-323» ЭЛЕКТРОФОН ишлатишда қулай ва замонавий безакланган.

Дискнинг айланиш частотаси — минутига 33, 45, 78 айланиш.


Линияга алоқаси бўлмаган аломатлар коэффициенти 2,5 процентдан ошмайди.

Истеъмол қиладиган қуввати — 30 Вт.

Энг юқори чиқиш қуввати — 4 Вт.

Электрфонта магнитофон ва радио трансляция тармоқларини улаш имконияти қўзда тутилган.

Электрфонт баҳоси — 63 сўм.




«ПОЛЕТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.
«СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА
АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА
КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗ
БЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕ
ТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртилари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; катлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомуҳбир—325894.

